

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВА ҲИМОЯТ МАТНАЗАРОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ОЛИНГАН ИОНИТЛАРНИНГ  
ОРАЛИҚ МЕТАЛЛАР БИЛАН КОМПЛЕКСЛАРИ**

**02.00.01 – Ноорганик кимё**

**02.00.04 – Физик кимё**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Исмоилова Ҳимоят Матназаровна**

Маҳаллий хомашёлар асосида олинган ионитларнинг оралиқ металллар билан комплекслари..... 3

**Исмоилова Ҳимоят Матназаровна**

Комплексы переходных металлов с ионитами, полученными, на основе местного сырья ..... 21

**Ismoilova Khimoyat**

Complexes of transition metals with ion exchangers obtained on the based local raw materials ..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 40

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВА ҲИМОЯТ МАТНАЗАРОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ОЛИНГАН ИОНИТЛАРНИНГ  
ОРАЛИҚ МЕТАЛЛАР БИЛАН КОМПЛЕКСЛАРИ**

**02.00.01 – Ноорганик кимё**

**02.00.04 – Физик кимё**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/K124 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu/uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www. Ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Бекчанов Даврон Жумазарович**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Рафиқов Адхам Салимович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Даминова Шахло Шариповна**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Умумий ва ноорганик кимё институт

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» апрел соат «16<sup>00</sup>» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail: chem0102@mail.ru. ).

Диссертация автореферати 2021 йил «01» 04 кун тарқатилди.

(2021 йил «01» 04 даги 3 рақамли реестр баённомаси)



**З.А. Сманова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.д.

**Ш.А.Кадирова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда полимер-металл комплексларнинг янги турлари синтез қилинмоқда ва улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан, органик синтезда, гидрометаллургияда, полимерларни чоклашда, оқова сувларини тозалашда қўлланилади. Айниқса, хелат ҳосил қилувчи полидентант амина, краун-эфирлари, карбоксил фосфат гуруҳларини сақловчи полимерлар асосида бир қатор полимер-металл комплекслар кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Полимер-металл комплексларини олиш бўйича тадқиқотларни амалга оширишда таркибида олтингугурт, азот, кислород ва фосфор донор атомларини сақлаган технологик эритмалардан турли металл ионларини ажратувчи ва оқова сувларини зарарли моддалардан тозаловчи полимер комплексларни синтез қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда ишлаб чиқариладиган полимер-металл комплекслар одатий металл катализаторларига қараганда активлиги юқорироқ бўлган катализаторлар сифатида органик реакцияларни олиб боришда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунга сабаб полимерлар сиртига металл атомлари нано ўлчамда эканлиги учун металл атомларининг умумий юзаси одатий ҳолатдаги металлларга нисбатан жуда юқори бўлганлигидадир. Бундай полимер-металл катализаторлар ўзининг юқори самарадорлиги ва селективлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун кимёвий жараёнларни сифатли ва юқори самарадорликда олиб бориш учун бундай турдаги катализаторлардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган синтетик полимерларнинг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш, полимер-металл комплекслари олинишининг мақбул шароитларини аниқлаш ва уларни саноат тармоқларида жорий этишга катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлашни ва улар асосида янги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи саноатни янги сифат жиҳатдан юқorigа кўтариш»га йўналтирилган вазибалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида истиқболли селектив ва каталитик хоссали полимер-металл комплекслар олишнинг инновацион ва иқтисодий жиҳатидан самарадор йўлларида бири бу кўп тоннали синтетик полимерлар сиртида металл заррачалари тутган полимер-металл комплекслар олиш жараёнини тадқиқ қилиш муҳим вазибалардан ҳисобланади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII.Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунгача турли синтетик полимерлар сиртида металл заррачалари сақлаган полимер-металл комплекслар синтез қилиш қонуниятларни тадқиқ қилиш ва уларни sanoatning турли тармоқларида қўллаш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, бир қатор хориж олимлари Hiroyuki Nishide, David Mayevsky, Orawan Winther-Jensen, Bjorn Winther-Jensen, Inamuddin Lucman, Eric Monfilier, G.I. Dzhardimalieva, Chuanyi Wang, G.M. Ayoub, L. Semerjian, A. Acra, M. El-Fadel, B. Koopman, K.Y. Foo, B.H. Hameed, Y.S. Zheng, J. Wang, Beata Zawisza, Anna Baranik, Ewa Malicka, Ewa Talik, Rafał Sitko, P.P. Kalbende, A.B. Zade; шунингдек, МДХ давлатлари олимларидан Е.А.Бектуров, С.Е. Кудайбергенов, А.Л. Максимов, О.В. Нецкина, С.Р. Гаджиева, Н.М. Джафарова, Ф.Н. Бахманова, С.З. Гамидов, Ф.М. Чырагов, А.К. Байдуллаева, Н.А. Бектенов, Е.Е. Ергожин, Т.К. Чалов, А.И. Никитина, Т.В. Ковригина, К.Х. Хакимболатова, В.В. Бондарева, А.А. Шиндлер, В.Ф. Борбат, Л.Н. Адеева, С.С. Кубышевлар ўз тадқиқотларида полимер-металл комплекслар олиш механизмлари, хоссалари ва қўлланилиш соҳалари бўйича бир қатор ишларни амалга оширганлар.

Мамлакатимизда ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган олимлардан Н.А. Парпиев, С.Ш. Рашидова, У.Н. Мусаев, Х.Т. Шарипов, Т.М.Бабаев, М.Г. Мухамедиев, О.Н. Рўзимуродов, Н.Р. Вохидова, Ш.Ш. Даминова, З.Ч. Кадирова, Д.А. Гафурова, Ш.А. Кадирова, Ф.Б. Эшкурбонов, Х.Х. Тураев, Н.Д. Амонова, Н.Т. Каттаев, М.К. Рустамовлар турли ноорганик ва органик полимерлар сиртида металл заррачалари сақлаган полимер-металл комплекслар олиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринли бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг № ПЗ-20170926416 «Маҳаллий хомашёлар асосида олинган ионитлар иштирокида технологик эритмалар ва оқова сувлар таркибидан металл ионларини ажратиш олиш» илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёлар асосида олинган ионитларнинг оралиқ металллар билан комплексларини олиш, тузилиши ва хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий хомашё асосида олинган амина ҳамда амина ва фосфон гуруҳлари тутган поликомплексонларнинг Cu(II), Ni(II), Co(II), Zn(II) ва Cr(III) ионларини сорбция кинетикаси, изотермаси ва термодинамикасини тадқиқ қилиш;

сорбция натижасида олинган полимер-металл комплекслари таркиби, тузилиши ва термик барқарорлигини аниқлаш;

олинган бирикмаларнинг фазовий тузилишини квант кимёвий ҳисоблашлар билан асослаш;

поликомплексонларнинг оралиқ металл ионлари билан комплекс ҳосил қилиш хоссаларидан фойдаланган ҳолда амалиётда қўллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида амина ҳамда амина ва фосфон гуруҳлари тутган поликомплексонлар, рангли металллар мис (II), никел (II), кобальт (II), рух (II) ва хром (III) ионларини сақловчи эритмалар ишлатилди.

**Тадқиқотнинг предмети** оралиқ металл ионларининг сорбциялаш шароитлари, комплекс бирикмаларнинг тузилиши, хоссалари, жараёнлар кинетикаси, изотермаси ва термодинамикасидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида ИҚ-спектроскопия, диффуз қайтарилишни электрон спектр, дифференциал термик анализ, оптик эмиссион спектроскопия, спектрофотометрия, комплексометрия, полимер-металл комплексларининг квант кимёвий таҳлили, сорбция механизмини Ленгмюр ва Фрейндлих назариялари ҳамда псевдо-биринчи ва псевдо-иккинчи тартибли кинетик моделлари каби замонавий назарий ва экспериментал тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий хомашё асосидаги олинган поликомплексонларнинг мис (II) ва хром (III) ионларига нисбатан селективлиги аниқланган;

поликомплексонларнинг Cu(II), Ni(II), Co(II), Zn(II) ва Cr(III) ионлари билан сорбция механизми комплекс ҳосил бўлиш орқали кетиши ИҚ-спектроскопия, диффуз қайтарилишнинг электрон спектри ҳамда элемент таҳлил ёрдамида аниқланган, олинган комплексларнинг таркиби, тузилиши ва координацион тугун геометрияси исботланган;

поликомплексонларнинг мис (II), никель (II), кобальт (II), рух (II) ва хром (III) ионлари билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг координацион тугунлари квант кимёвий усулда ҳисобланган ва геометрик параметрлари аниқланган;

поликомплексонлар иштирокида «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг оқова сувларидан рангли металл ионларини комплекс ҳосил қилиб ажратиш олиш мумкинлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё асосидаги поликомплексонларнинг оралиқ металллар ионларини сорбциялашининг оптимал шароитлари аниқланган;

ҳосил бўлган координацион бирикмаларнинг тузилиши, металл ионлари гибридланиши ва координацион сони топилган;

оралиқ металлларни поликомплексонлар билан сорбцияланиш кинетикаси, изотермалари ва термодинамика параметрларининг ўрганилиши натижасида сорбциянинг энг мақбул шароитлари аниқланган;

поликомплексонлар иштирокида саноат корхоналари оқова сувларидан рангли ва оғир металлларни координацион боғ ҳисобига сорбция қилиб ажратиб олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ИҚ-спектроскопия, диффуз қайтарилишнинг электрон спектр, дифференциал термик анализ, оптик эмиссион спектроскопия, спектрофотометрия, комплексометрия каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар олинганлиги билан асосланган. Ионит ва металл ионлари орасида кучли комплекс боғлар ҳосил бўлиши назарий жиҳатдан квант кимёвий ҳисоблар орқали исботланган. Ион мувозанат, поликомплексонларга металл ионлари сорбцияланиш жараёнлари кинетикаси псевдо биринчи ва псевдо иккинчи тартибли моделлар ҳамда сорбция изотермаси Ленгмюр ва Фрейндлих изотерма моделлари, шунингдек, металл ионлари сорбция термодинамикаси ҳақидаги замонавий назарияларда ишлатиладиган тенгламаларни қўллаш орқали олинган натижаларни таҳлил қилиш билан хулосалар қилинган ҳамда математик статистика усуллари билан қайта ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оралиқ металлларнинг поликомплексонларга сорбцияланиш шароитлари, термодинамик ва кинетик параметрлари аниқланганлиги, янги полимер-металл комплекс бирикмаларининг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш орқали турли селективликдаги полимер-металл комплекслари олиш мумкинлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса поликомплексонларнинг селектив хоссасига асосланиб, республика ҳудудида жойлашган саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувларни зарарли металл ионларидан самарали тозалаш ва гидрометаллургияда технологик эритмаларни концентрлаш ҳамда металл ионларини ажратиб олишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Анионит ва полиамфолит билан оралиқ металллар ионларининг сорбцияланишини ўрганишда олинган илмий натижалар асосида:

оқова сувларни поликомплексонлар иштирокида тозалаш «Муборак газ қайта ишлаш заводи» АЖ амалиётида жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг 2021 йил 12 январдаги № 21/GK-01-21-сон маълумотномаси). Натижада оралиқ металл ионларини комплекс боғ ҳисобига селектив ажратиб олувчи мини ускуна яратиш имконини берган; селектив поликомплексонлар «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ амалиётига жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг 2021 йил 12 январдаги № 21/GK-01-21-сон маълумотномаси). Натижада, поликомплексонлар оқова сувлари таркибидаги Cu(II), Ni(II), Zn(II) металл



ионлари миқдорини 1,25% гача камайтириш имконини берган; поликомплексонлар «УРГАНЧ БАҲМАЛ» МЧЖ амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 18 мартдаги № 01-02/8-342 сон маълумотномаси). Натижада оқова сувлар таркибидаги оралиқ металл мис (II), кобальт (II), никель (II), рух (II) ва хром (III) ионларнинг миқдорини 75-80% га камайтириш имконини берган;

селектив хоссали поликомплексонлар А-7-23 рақамли «Маҳаллий сорбентлар ёрдамида мис ионларини оқова сувларидан ажратиб олиш технологияси» мавзусидаги (2015-2017йй) амалий лойиҳада оқова сувларидан мис ионларини селектив ажратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги №89-03-2581-сон маълумотномаси). Натижада саноат корхоналари оқова сувларидан мис (II) ионларини селектив ажратиб олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 1та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 та мақола республика ва 4 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва мавзунинг янгилиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари таърифланган, тадқиқотнинг объект ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, эришилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Поликомплексонлар асосида полимер-металл комплексларнинг олиниши ва аҳамияти**» деб номланган **биринчи бобида**, асосан, полимер-металл комплексларнинг олиниши ва уларнинг хоссалари, каталитик хусусиятлари ҳамда таркибида ҳар хил функционал гуруҳ тутган

анионитлар, катионитлар ва поликомплексонлар комплекс ҳосил қилувчи ионитларнинг физик-кимёвий асослари қиёсий таҳлил қилинган, технологик эритмалардан рангли ва нодир металл ионларини комплекс ҳосил қилувчи ионитлар ёрдамида сорбциялашга доир адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «Поликомплексонларнинг оралиқ металллар билан комплексларининг тузилиши» деб номланган иккинчи бобида поликомплексонлар билан оралиқ металл ионлари комплексларининг ИҚ-спектроскопик таҳлили, сорбция маҳсулотларини ДСК-термик таҳлили, поликомплексонларнинг 3d-металлар билан комплексларини диффуз қайтарилишни электрон спектрлари, сорбция маҳсулотларининг энергетик ва геометрик параметрларини квант-кимёвий ҳисоблаш келтирилган.

Синтез қилинган комплекс бирикмаларда Cu-N боғи  $422\text{ см}^{-1}$ , Cr-N боғи  $422\text{ см}^{-1}$ , Zn-N  $419\text{ см}^{-1}$ , Ni-N  $409\text{ см}^{-1}$  ва Co-N  $422\text{ см}^{-1}$  да ютилиш соҳалари қайд қилинади. Буни, шунингдек,  $3360\text{ см}^{-1}$  соҳада намоён бўлаётган иккиламчи амина-гуруҳ валент тебранишларини ютилиш соҳасини пасайишида ҳам кўриш мумкин. Бунда мисли комплексларда амина гуруҳни ютилиш соҳаси  $3340\text{ см}^{-1}$ , хромлида  $3281\text{ см}^{-1}$ , рухли комплексда  $3357\text{ см}^{-1}$ , никелли комплексда  $3348\text{ см}^{-1}$  ва кобальтлида  $3350\text{ см}^{-1}$  да кузатилиб, боғнинг ютилиш соҳасини  $3-81\text{ см}^{-1}$  оралиғида пасайиши қайд қилинди. Металл сульфатлари сорбцияси амалга оширилган комплексларда  $457-482\text{ см}^{-1}$  оралиғида Me-O боғига хос бўлган ютилиш соҳалари кузатилди.

1-жадвал

**РРЕ-1 ва сорбция натижасида ҳосил бўлган комплексларнинг ИҚ-спектрлари**

Бирикма	$\nu$ (NH)	$\delta$ (NH)	$\nu$ (CH <sub>2</sub> )	$\delta$ (CH <sub>2</sub> )	Me-N	Me-O
РРЕ-1	3360	1635	1070	1456	-	-
[CrL <sub>3</sub> ]Cl <sub>3</sub>	3281	1634	1070	1456	422	-
[CoL <sub>4</sub> ]SO <sub>4</sub>	3350	1634	1072	1456	422	457
[NiL <sub>4</sub> ]SO <sub>4</sub>	3348	1634	1070	1454	409	482
[CuL <sub>4</sub> ]SO <sub>4</sub>	3340	1634	1072	1454	422	476
[ZnL <sub>2</sub> ]SO <sub>4</sub>	3357	1634	1070	1447	419	467


РРЕ-1-Р полиамфолитининг ИҚ-спектрини таҳлил қилиш унда янги  $1298\text{ см}^{-1}$  (P=O боғ) ва  $2120\text{ см}^{-1}$  (P-(OH) нинг -ОН боғи) ютилиш спектрлари пайдо бўлишини кўрсатди. Координациядан кейин P=O боғнинг ютилиш частотаси мос равишда  $8-26\text{ см}^{-1}$  га пасайганлиги, -ОН ва иккиламчи амина гуруҳларнинг валент тебранишлари эса мос равишда  $7-42\text{ см}^{-1}$  ва  $23-115\text{ см}^{-1}$  ортанлиги қайд этилди. Бундан координация P=O боғнинг кислород атоми орқали борганини айтишимиз мумкин.

2-жадвал

**РРЕ-1-Р ва сорбция натижасида ҳосил бўлган комплексларнинг ИҚ-спектрлари**

Бирикма	$\nu$ (P=O)	$\nu$ (NH)	$\nu$ (OH)	$\delta$ (CH <sub>2</sub> )	$\nu$ (CH <sub>2</sub> )	Me-O
РРЕ-1-Р	1298	3281	2120	1457	1072	-
[CrL <sub>3</sub> ]Cl <sub>3</sub>	1290	3396	2162	1456	1072	470
[CoL <sub>4</sub> ]SO <sub>4</sub>	1288	3338	2153	1455	1072	473
[NiL <sub>4</sub> ]SO <sub>4</sub>	1291	3304	2127	1455	1077	474
[CuL <sub>4</sub> ]SO <sub>4</sub>	1274	3305	2142	1458	1085	488
[ZnL <sub>2</sub> ]SO <sub>4</sub>	1272	3354	2143	1456	1070	492

Синтез қилинган полимер-металл комплексларининг термик барқарорлиги аниқлаш мақсадида олинган намуналарни термоаналитик тадқиқотлар Netzsch Simultaneous Analyzer STA 409 PG (Германия) ускунасида 350 °С ҳароратга қадар олиб борилди.



1-расм.  $[\text{NiL}^1_4]\text{SO}_4$  ва  $[\text{NiL}^2_4]\text{SO}_4$  комплексларининг дериватограммаси


Олинган полимер-металл комплекс бирикмаларининг термик анализ натижалари шуни кўрсатдики,  $[\text{NiL}^1_4]\text{SO}_4$  ва  $[\text{NiL}^2_4]\text{SO}_4$  таркибли координацион бирикмаларининг максимал термик барқарорлиги мос равишда 207,5°С ва 213,2°С ларга тенглиги аниқланди, бу олинган полимер-металл комплекслари бўйича энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики,  $[\text{NiL}^1_4]\text{SO}_4$  ва  $[\text{NiL}^2_4]\text{SO}_4$  координацион бирикмалари энг барқарор комплекс деб ҳулоса қилиш мумкин.

Шунингдек, олинган полимер-металл комплекс бирикмаларининг диффуз қайтарилишни электрон спектрлари координацион бирикманинг координация тугуни геометриясини, марказий атомнинг координацион сонини аниқлаш учун қўлланилди.

Кобальт (II) комплекслари электрон спектрлари кўпгина ҳолларда структура бўйича муҳим ахборот бериши мумкин. Кўпчилик олти координацияланган кобальт (II) комплекслари юқори спинли бўлади. Уларнинг асосий ҳолати  $^4T_{1g}$  ва спин-орбитал таъсир сезиларли. Ушбу гуруҳ комплексларида назарий жиҳатдан учта ўтиш кузатилади:  $^4T_{1g}(F) \rightarrow ^4T_{2g}$ ,  $^4T_{1g}(F) \rightarrow ^4A_{2g}$  ва  $^4T_{1g}(F) \rightarrow ^4T_{1g}(P)$ .  $^4T_{1g}(F) \rightarrow ^4A_{2g}$  даги икки электронли ўтиш кузатилмайди.  $\sim 20\ 000\ \text{cm}^{-1}$  даги ўтиш октаэдрик комплексларда  $^4T_{1g}(F) \rightarrow ^4T_{1g}(P)$  ўтишга мос келади. Қайтариш пайдо бўлишига сабаб,  $^4T_{1g}(P)$  даги спин-орбитал таъсирлашув айнийликни йўқотади.  $8350\ \text{cm}^{-1}$  даги иккинчи чўққи  $^4T_{1g}(F) \rightarrow ^4T_{2g}$  ўтишга хос бўлади.

$[\text{CoL}^1_4]\text{SO}_4$  бирикманинг электрон спектрида 17857, 16103, 12903, 11682 ва  $10537\ \text{cm}^{-1}$  чўққилар кузатилади.

$[\text{CoL}^2_4]\text{SO}_4$  координацион бирикмасида 16920, 14881, 12953, 12579, 11429 ва  $10309\ \text{cm}^{-1}$  чўққилар мавжуд.




2-расм. А-[CoL<sup>1</sup><sub>4</sub>]SO<sub>4</sub> ва В-[CoL<sup>2</sup><sub>4</sub>]SO<sub>4</sub> комплексларнинг ДҚЭС анализи

Адабиётлар маълумотларига кўра d-қавати тўлмаган металл ионларида кўзгалиш ва электронларнинг кўчиш жараёни содир бўлади. Бу эса ҳар бир ион учун ўзига хос бориб, координацион бирикмаларни идентификациялашда қўлланилади. Олинган маълумотларга асосланиб, барча металл ионлари учун ҳосил бўлган комплексларнинг диффуз қайтарилишни электрон спектрлари қийматлари октаэдрик тузилишга эга эканлигини кўрсатади.

Квант-кимёвий ҳисоблашлар HyperChem 8.07 дастурий пакетнинг РМЗ яқинлашувида амалга оширилди. Ўхшашлик градиенти 0.05 чегарада аниқланди. ИҚ-спектроскопия, ДҚЭС натижаларидан келиб чиқиб молекулаларнинг дастлабки Z-матрицалари тузилди, бунда координация Me-N боғлар орқали ҳосил бўлиши инobatга олинди ва 6 координацияланишига таянган ҳолда хромли комплекслар учун металл:полимер=1:3, мис, никель, кобальт металлари учун 1:4, рух учун 1:2 нисбатда бўлади, деб тахмин қилинди ва энергетик ҳамда геометрик параметрлар ҳисобланди.


Хромли комплекс учун энг мақбул деб топилган фазовий тузилишда металл иккиламчи амин гуруҳи азоти орқали бириккан бўлиб, металл хлорид таркибидаги хлорлар бир тарафда, полимер молекулалари иккинчи тарафда жойлашиши аниқланди (3-расм).



3-расм.  $[\text{CrL}^1_3]\text{Cl}_3$  комплекснинг фазовий тузилиши

Диссертациянинг «Сорбция термодинамикаси, кинетикаси ва тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи» деб номланган учинчи бобида поликомплексонларга металл ионларининг ютилиш қонуниятлари, поликомплексонларга оралиқ металл ионларининг ютилиш кинетикаси таҳлили, амина ва фосфит гуруҳларини сақловчи поликомплексонларга металл ионларининг ютилиш изотермаси ва термодинамикаси, поликомплексонлар иштирокида оқова сувларини металл ионларидан тозалаш усуллари келтирилган.

Поливинилхлорид асосида олинган анионит ва полиамфолитга мис (II), никел (II), кобальт (II), рух (II) ва хром (III) ионларини ҳар хил ҳароратлар (303, 313, 323K) да, турли концентрациялар (0.001, 0.0025, 0.005, 0.0075, 0.01, 0.025, 0.05, 0.075M) да ва сорбция давомийлиги (2-10 соат) оралиғида ўрганилди. Сорбция жараёнининг мувозанат изотермаларини псевдо биринчи тартибли ва иккинчи тартибли, Лэнгмюр, Фрейндлих усулларида моделлаштириш асосида сорбциялаш жараёни кинетикаси ва термодинамикаси тадқиқ қилинди ва натижалар олинди. PPE-1 ва PPE-1-P га металл ионларининг ютилиш кинетикаси:



4-расм.  $\text{Cu}(\text{II})$  иони ютилиш кинетикаси. PPE-1 (а) ва PPE-1-P (б) ( $T=323\text{K}$ )

Поликомплексонларга металл ионларининг координацион боғ ҳосил қилиб ютилишига сорбция давомийлиги ва эритма концентрация таъсири ўрганилди. Олинган натижалари шуни кўрсатдики, PPE-1 ва PPE-1-P поликомплексонларига металл ионлари деярли бир хил миқдорда ютилган. Бу металл ионларининг поликомплексонлар билан асосан координацион боғ ҳосил қилиши ҳисобига сорбцияланганлигидан далолат беради.

Амин ва фосфит гуруҳ тутган анионит ва полиамфолитга  $\text{Cu}(\text{II})$ ,  $\text{Ni}(\text{II})$ ,  $\text{Co}(\text{II})$ ,  $\text{Zn}(\text{II})$ ,  $\text{Cr}(\text{III})$  металл ионлари сорбция кинетикаси тадқиқ қилиш

сорбция жараёни *Псевдо иккинчи тартиб кинетик* тенгламага мослиги кўрсатилди.

Поликомплексонларга оралиқ металл ионларининг координацион боғ орқали ютилиш қонуниятларини ва селективлиги баҳолаш мақсадида, поликомплексонларга оралиқ металл ионларининг ютилиш активланиш энергиялари ҳисобланди. Бунинг учун Аррениус тенгласидан фойдаланилди:

$$\ln k_2 = \ln A_0 - E_a / RT$$


Бу ерда:  $A_0$  экспонентал фактор,  $E_a$  – активланиш энергияси ва  $k_2$  (г/мг мин) турли ҳароратлардаги псевдо-иккинчи тартибли кинетик константа.  $E_a$  активланиш энергиясини топиш учун  $\ln k_2$  ва  $1/T$  боғлиқлик графиги тузилди ва натижалар жадвалда келтирилган. (3-жадвал)

3-жадвал

**Поликомплексонларга Cu(II), Ni(II), Co(II), Cr(III) ва Zn(II) ионлари сорбциясининг кинетик кўрсаткичлари ва активланиш энергияси**


Металл иони	PPE-1				PPE-1-P		
	T K	$k_2$ г/мг·мин	$R^2$	$E_a$ кДж/ моль	$k_2$ г/мг·мин	$R^2$	$E_a$ кДж/ моль
Cu(II)	303	0,00409	0,907	17,35	0,00436	0,900	17,99
	313	0,00573			0,00621		
	323	0,00636			0,00676		
Cr(III)	303	0,00345	0,986	7,071	0,00428	0,978	8,968
	313	0,00371			0,00466		
	323	0,00411			0,00534		
Zn(II)	303	0,00292	0,951	8,655	0,00302	0,971	25,98
	313	0,00312			0,00462		
	323	0,00361			0,00571		
Ni(II)	303	0,00211	0,997	26,89	0,00426	0,994	12,15
	313	0,00289			0,00507		
	323	0,00409			0,00575		
Co(II)	303	0,00104	0,924	23,43	0,00219	0,974	22,88
	313	0,00161			0,00317		
	323	0,00184			0,00385		

Полимер-металл комплексларини олиш учун поликомплексонларга оралиқ металл Cu(II), Zn(II), Cr(III), Ni(II) ва Co(II) ионларининг координацион боғ орқали ютилиш мувозанат ҳолатлари ўрганилди. Сорбция жараёни 303К, 313К, 323К ҳароратларда олиб борилди. Олинган натижалар асосида сорбция жараёнининг изотермаси тузилди.



5-расм. PPE-1 ва PPE-1-P га Cu(II) ионларини ютилиш изотермаси

Графикдан кўриниб турибдики, металл ионларининг поликомплексонларга ютилишида муҳит ҳарорати ошиши билан ютилаётган металл ионларининг миқдори ортиб борган, бу эса металл ионлари поликомплексонларга кимёвий сорбция орқали ютилаётганидан далолат беради.



6-расм. Ленгмюр изотермаси. Co(II), Ni(II), Cr(III), Zn(II),Cu(II) ионлари

4-жадвал

Металл ионларининг PPE-1 ва PPE-1-P га адсорбцияланишининг Ленгмюр ва Фрейндлих изотермаси натижалари

Изотерма параметрлари	Металл ионлари сорбцияси				
	Cu(II)	Ni(II)	Co(II)	Zn(II)	Cr(III)
Фрейндлих	<i>PPE-1 Анионит</i>				
n	1,25	1,33	1,5	1,37	1,2
K <sub>f</sub>	8,09	4,59	2,62	2,46	1,9
R <sup>2</sup>	0,893	0,971	0,952	0,992	0,991
Фрейндлих	<i>PPE-1-P Полиамфолит</i>				
n	3,5	4	3	1,25	1,22
K <sub>f</sub>	8,33	2,96	1,96	7,4	10,4
R <sup>2</sup>	0,972	0,982	0,962	0,986	0,989
Ленгмюр	<i>PPE-1 Анионит</i>				
K <sub>L</sub>	102	106,67	84	81,82	57,1
R <sub>L</sub>	0,129	0,124	0,156	0,161	0,229
R <sup>2</sup>	0,994	0,986	0,953	0,942	0,979
Ленгмюр	<i>PPE-1-P Полиамфолит</i>				
K <sub>L</sub>	72,2	65,1	63,3	86,67	91,4
R <sub>L</sub>	0,182	0,201	0,207	0,152	0,144
R <sup>2</sup>	0,998	0,998	0,993	0,999	0,990

Металл ионларини поликомплексонларга ютилиш изотермасини тадқиқ қилиш учун Ленгмюр ва Фрейндлих изотерма моделларидан фойдаланиб, изотерма константалари ҳисоблаб топилди. Фрейндлих параметр қийматлари

PPE-1 ва PPE-1-P поликомплексонларга кўра мос равишда Cu(II) иони  $n = 1,25$  ва  $3,5$ , Cr(III) иони  $n = 1,2$  ва  $1,22$ , Zn(II) иони  $n=1,37- 1,25$ , Co(II) иони  $n=1,5-3$  ва Ni(II) иони  $n=1,33-4$  га тенг, бу эса ионитларга металл ионлари сорбцияси кузатилгандан далолат беради. Адсорбция жараёни Фрейндлих адсорбция назариясига кўра бўйсинишини кўрсатади. Корреляция коэффициентлари  $R^2$  қийматлари PPE-1 ва PPE-1-P поликомплексонларга мос равишда Cu(II)  $0,893-0,972$ , Cr(III)  $0,991-0,989$ , Zn(II)  $0,992-0,986$ , Co(II)  $0,952-0,962$  ва Ni(II)  $0,971-0,982$  гача ўзгариши кузатилди. Ленгмюр параметр қийматлари PPE-1 ва PPE-1-P поликомплексонларда мос равишда барча оралиқ металлларда корреляция коэффициентлари  $R^2$  қийматлари 1 га яқинлиги ва сорбция жараёни учун  $0 < R_L < 1$  қулай,  $R_L > 1$  ноқулай,  $R_L = 1$  чизиқли ва  $R_L = 0$  қайтмас бўлишини ифодалайди. Сорбция жараёни Ленгмюр мономолекуляр адсорбцияси назариясига бўйсунушини ( $R_L$ -қулай бўлиши) кўрсатади.

Металл ионлари сорбция мувозанат ҳолатлари ва термодинамикасини тадқиқ қилиш орқали ўрганилаётган жараён Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбцияси назариясига бўйсунуши ҳамда сорбция жараёнининг термодинамик параметрлари – эркин энергия ( $\Delta G$ ), энтальпия ( $\Delta H$ ) ва энтропия ( $\Delta S$ ) ўзгариши Cu(II), Ni(II), Co(II), Zn(II), Cr(III) металл ионларининг ионитлар билан ион алмашилиш реакцияси орқали ютилиши аниқланди.

5-жадвал

*Сорбция жараёнида термодинамик параметрларнинг ўзгариши(PPE-1)*

Металл ионлари	$\Delta H$ (кЖ/моль)	$\Delta S$ (Ж/моль·К)	$\Delta G$ (кЖ/моль)		
			303 К	313 К	323 К
Cu(II)	13026,4	66,31	-7063,03	-7726,04	-8389,06
Zn(II)	6270,08	45,71	-7578,91	-8035,96	-8493,02
Cr(III)	9487,98	57,53	-7944,73	-8520,07	-9095,4
Ni(II)	20470,7	86,46	-5728,35	-6593,1	-7457,66
Co(II)	2995,030	33,16	-7053,32	-7384,95	-7716,58

6-жадвал

*Сорбция жараёнида термодинамик параметрларнинг ўзгариши(PPE-1-P)*

Металл ионлари	$\Delta H$ (кЖ/моль)	$\Delta S$ (Ж/моль·К)	$\Delta G$ (кЖ/моль)		
			303 К	313 К	323 К
Cr(III)	7534,98	43,71	-5710,6	-6147,8	-6584,9
Cu(II)	7631,75	46,02	-6313,2	-6773,4	-7233,7
Zn(II)	4595,81	37,38	-6731,7	-7105,6	-7479,5
Co(II)	2884,95	28,53	-5762,5	-6047,9	-6333,3
Ni(II)	4512,59	35,81	-6335,1	-6693,1	-7051,1

Жадвалларда берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, энтальпия қийматининг ўзгариши сорбция жараёнининг эндотермиклиги аниқланди. Энтропия қийматининг ўзгариши ионит юзасидаги ва эритмадаги ионлар ўртасида ион алмашилиш реакцияси борганлигидан далолат беради. Шунингдек, системада эркин энергиясининг манфий қийматларининг ҳарорат ортиши билан ортиб бориши оралиқ металл ионларининг ионитларга ютилиши ўз-ўзича кетганлигини кўрсатади.



Олинган натижалар шуни кўрсатадики, таркибида азот ва фосфор тутган сорбентлар билан мис(II), никел(II), кобальт(II), рух(II) ва хром(III) ионлари барқарор комплекс ҳосил қилиб бириккан, шунинг билан биргаликда мис(II) ва хром(III) ионлари бошқа металл ионларига нисбатан полиамфолит билан юқори мойилликни намоён қилиб кучли комплекс ҳосил қилган. Сорбция жараёнига таъсир этувчи омиллар ҳарорат ва эритма концентрациясининг ортиши билан ионитларга металл ионларининг ютилиши ортиб борган, бу эса ютилиш жараёни кимёвий сорбция билан бораётганлигидан далолат беради.

Поликомплексонларнинг қўлланилиши мумкин бўлган соҳаларини аниқлаш мақсадида PPE-1 ва PPE-1-P поликомплексонларининг металл ионлари билан кучли комплекс ҳосил қилиш хоссаларига асосланиб, Муборак газ қайта ишлаш заводининг «Техник назорат бўлими» (ТНБ) қошидаги кимёвий таҳлил лабораториясида оқова сувларини металл ионларидан тозалаш бўйича синовдан ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, оқова сувларини металл ионларидан тозалаш учун поликомплексонлардан фойдаланган ҳолда модель қурилма ишлаб чиқилиб, технологик жараёнларга жорий қилинди ва поликомплексонлар ёрдамида оқова сувлари таркибидаги Cu(II), Ni(II), Zn(II) металл ионлари миқдори 1,25% гача камайтириш имконини берган;

Шунингдек, PPE-1 ва PPE-1-P поликомплексонлари ёрдамида «Самарали технологик ечимлар» масъулияти чекланган жамиятга қаршли оқова сувларни тозалаш иншоотида синовдан ўтказилди. Мазкур иншоот «Урганч Бахмал» МЧЖ корхонасида пахта толасидан олинган газламаларни бўяш жараёнида ажралиб чиққан оқова сувларни тозалашга мўлжалланган. Адсорбция жараёни кириш ва чиқишдаги кўрсаткичларни таққослаш асосида назорат қилиб борилди ва тозалаш хусусияти текширилди. Чиқинди сув таркибидаги металл ионларининг ионитларга сорбцияланганлиги спектрометрик усулда ўрганилди. Олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

**«Урганч Бахмал» МЧЖ корхонасидан ажралиб чиқётган оқова сувларни тозалаш самарадорлиги кўрсаткичлари**

Металл иони	Сорбциядан олдинги эритмадаги металлнинг миқдори мг/л	Сорбциядан кейинги эритмадаги металлнинг миқдори мг/л			
		PPE-1	Тозалаш самарадорлиги %	PPE-1-P	Тозалаш самарадорлиги %
Рух	2,42	1,41	58,2	1,05	43,3
Мис	24,7	10,7	43,2	22,7	91,9
Никел	5,03	1,35	26,8	3,64	72,4
Хром	114	40,7	35,7	90,9	79,7
Темир	5,10	2,67	52,4	4,37	85,7
Кальций	37,5	2,15	5,73	2,18	5,82
Магний	3,10	2,41	77,7	2,96	95,4
Кобальт	2,76	1,68	61,0	1,55	56,0

Поликомплексонларни корхона оқова сувларни тозалаш тизимига жорий қилиш ҳисобига катта иқтисодий самара кутилиши билан бирга атроф-муҳитга чиқарилаётган оқова сувлар таркибидаги оғир металлларни 75-80% га қадар тозалаш самарадорлигига эришилган.

Диссертациянинг «Сорбция жараёнини олиб бориш методикаси» деб номланган **тўртинчи бобида** фойдаланилган реактивлар ва усуллар, ионитларни ишчи ҳолатга келтириш (фаоллаштириш), металл ионларини полимерларга сорбция методикаси, ионитларга турли эритмалардан оралик металл ионларининг сорбция кинетикаси, изотермаси ва термодинамикаси келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Амино ҳамда amino ва фосфон гуруҳлари тутган поликомплексонларнинг оралик металллар Cu(II), Ni(II), Co(II), Zn(II), Cr(III) ионларини сорбциялаш уларнинг мис (II) ва хром (III) ионларига нисбатан юқори селектив эканлигини аниқлаш имконини берди.

2. ИҚ-спектроскопия ва диффуз қайтарилишни электрон спектрлари ёрдамида сорбция маҳсулотлари бўлган полимер-металл комплексларини тадқиқ қилиш уларнинг тузилиши, координацион марказлар ва геометриясини аниқлаш имконини берди.

3. ДСК анализи натижасида дастлаб полимер-металл комплекслари таркибидаги сув молекулалари ажралиб чиққанлиги, кейинчалик 523-573К да полимер-металл комплексларнинг органик қисми парчаланиши ва охириги маҳсулот сифатида металл оксиди ҳосил бўлиши уларнинг элементар таркибини тасдиқлади.

4. Координацион бирикмаларнинг геометрик ва энергетик параметрлари квант кимёвий ҳисоблашлар ёрдамида топилди ва синтез қилинган полимер-металл комплекслари учун энергетик нуқтаи назаридан энг қулай фазовий тузилишлари таклиф қилинди.

5. Амино ҳамда amino ва фосфон гуруҳлари тутган поликомплексонлар томонидан оралик металллар Cu(II), Ni(II), Co(II), Zn(II), Cr(III) ионларининг сорбцияланиш жараёни псевдо иккинчи тартибли кинетик қонуниятларга бўйсунганини исботланди.

6. Металл ионлари сорбциясининг мувозанат ҳолатлари ва термодинамикасини тадқиқ қилиш орқали ўрганилаётган жараён Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбцияси назариясига бўйсунгани ҳамда сорбция жараёнининг термодинамик функциялари – эркин энергия  $\Delta G$ , энтальпия  $\Delta H$  ва энтропия  $\Delta S$  ўзгаришига кўра Cu(II), Ni(II), Co(II), Zn(II), Cr(III) металл ионларининг поликомплексонлар билан боғланиши кимёвий сорбция ҳисобига бориши кўрсатилди.

7. Поликомплексонлар ва эритмадаги металл ионларининг комплекс ҳосил бўлиш мақбул шароитлари қўлланилиб, саноат оқова сувларини оғир металл ионларидан тозалаш мумкинлигини тасдиқлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.K.01.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ИСМОИЛОВА ХИМОЯТ МАТНАЗАРОВНА**

**КОМПЛЕКСЫ ПЕРЕХОДНЫХ МЕТАЛЛОВ С ИОНТАМИ,  
ПОЛУЧЕННЫМИ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

**02.00.01 – Неорганическая химия  
02.00.04 – Физическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/K124

Докторская диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ik-kimyو.nuu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу ww.w.ziynet.uz.

**Научные руководители:**

**Хасанов Шодлик Бекпулатович**  
кандидат химических наук, доцент

**Бекчанов Давронбек Жумазарович**  
доктор химических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Рафиков Адхам Салимович**  
доктор химических наук, профессор

**Даминова Шахло Шариповна**  
доктор химических наук, доцент

**Ведущая организация:**

Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «13» апрель 2021 г. в 16<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 11). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан «01» апрель 2021 г.  
(протокол рассылки № 3 от «01» апрель 2021 г.)



**З.А. Сманова**

Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

**Д.А. Гафурова**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.х.н.

**Ш.А.Кадилова**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире синтезируются новые типы полимерно-металлических комплексов, которые находят применение в различных отраслях экономики, в том числе в органическом синтезе, гидрометаллургии, сварке полимеров, очистке сточных вод. В частности, широко используется ряд полимер-металлических комплексов на основе полимеров, содержащих хелатообразующие полидентантные амино, краун-эфирные, карбоксилфосфатные группы. Синтез полимерных комплексов, содержащих донорные атомы серы, азота, кислорода и фосфора, способных выделять ионы различных металлов из технологических растворов и очищающих сточные воды от вредных веществ, также является важным при исследовании получения полимер-металлических комплексов.

Производимые в мире полимер-металлические комплексы широко используются при проведении органических реакций в качестве катализаторов с более высокой активностью, чем обычные металлические катализаторы. Это связано с тем, что общая площадь поверхности атомов металлов намного выше, чем у металлов в нормальном состоянии, поскольку атомы металлов на поверхности полимеров имеют наноразмеры. Такие полимерно-металлические катализаторы отличаются высокой эффективностью и селективностью. Поэтому использование этого типа катализатора особенно важно для качественного и эффективного проведения химических процессов.

Большое внимание в стране уделяется расширению использования синтетических полимеров, производимых на основе местного сырья, определению оптимальных условий производства полимерно-металлических комплексов и внедрению их в промышленность. В Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены задачи, направленные на «выведение качества промышленности на новый уровень, предполагающую глубокую переработку местного сырья и производство на его основе новой импортозамещающей продукции»<sup>1</sup>. В связи с этим одним из инновационных и экономически эффективных способов получения перспективных селективных и каталитических полимерно-металлических комплексов на основе местного сырья является изучение процесса получения многотоннажных полимерно-металлических комплексов, содержащих частицы металла, на поверхности синтетических полимеров.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2019 года №ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной

---

<sup>1</sup> Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах / Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года

привлекательности химической промышленности» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII. Химическая технология и нанотехнология.

